

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

Р.Р. ШАКУРОВ

**ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ
РАИСЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
МЕДИАЦИЯНИНГ
ЎРНИ**

Услубий қўлланма



Тошкент – 2026

УЎК: 347.965.42:352(575.1)
КБК 67.410.12+67.401.011
Ш17

Шакуров Р.Р.

Фуқаролар йиғини раислари фаолиятида медиациянинг ўрни. Услубий қўлланма. /Р.Р.Шакуров. – Тошкент: “Impress media” нашриёти, 2026. – 52 б.

Тақризчилар:

- С.А. Марипова** – “Cyber University” давлат университети Ижтимоий фанлар кафедрасининг мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd), доцент;
- З.З. Рахмонов** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Педагоглар маркази мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd).

Услубий қўлланмада маҳаллаларда келиб чиқиши эҳтимоли бор типик оилавий, қўшничилик, мулкӣ ва маиший низо турлари бўйича медиацияни ташкил этиш, босқичма-босқич амалга оширишга оид амалиётга йўналтирилган айрим услубий тавсиялар келтирилган.

Мазкур Услубий қўлланма фуқаро йиғини раислари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Ўқув-услубий кенгашининг 2026-йил 3-мартдаги 2-сон баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

УЎК: 347.965.42:352(575.1)
КБК 67.410.12+67.401.011

ISBN 978-9910-05-143-2

© Р.Р. Шакуров, 2026
© “Impress media” нашриёти, 2026

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. МЕДИАЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАРТИБ-ТАОМИЛИ	6
1.1-§. Медиация тушунчаси, моҳияти ва принциплари	6
1.2-§. Медиация иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	9
1.3-§. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш	11
II БОБ. МЕДИАЦИЯ БОСҚИЧЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ	18
2.1-§. Низоларни ҳал этиш босқичлари ва усуллари	18
2.2-§. Низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга оид воситалар ..	24
III БОБ. АЙРИМ НИЗОЛАР ЮЗАСИДАН ЎЗАРО МАҚБУЛ КЕЛИШУВГА ЭРИШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	30
3.1-§. Оилавий низоларни ҳал этишда эътибор қаратиладиган масалалар ..	30
3.2-§. Қўшнилари ўртасидаги ҳамда мулкӣ ва маишӣ низоларни ҳал этишга оид тавсиялар	33
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР	39
ИЛОВАЛАР	42

КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, медиация институти низоларни судга қадар ва суддан ташқари тартибда ҳал этишнинг самарали механизмларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Медиациянинг асосий афзалликлари низоларни қисқа муддатларда ҳал этиш, жараён махфийлигини таъминлаш, тарафларнинг ўзаро мақбул келишувга эришиши, шунингдек, вақт ва молиявий харажатларни камайтириш имконияти билан намоён бўлади. Айниқса, маҳаллаларда юзага келадиган оилавий, қўшничилик, мулкӣ ва маиший низоларни тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этишда медиация усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Медиация моҳиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унинг айрим усул ва воситалари миллий урф-одатларимизда азалдан шаклланган яраштириш ва муросага келтириш амалиёти билан муштарак жиҳатларга эга. Хусусан, оила аъзоларини ёки бир маҳаллада яшовчи қўшнилари яраштириш, шунингдек, молиявий масалаларни ҳал этишда воситачилик қилиш каби анъанавий муносабатлар медиация институтининг айрим элементлари билан уйғунлик касб этади.

Мазкур ҳолат кўп йиллик ҳаётӣ тажрибага эга фуқаролар йиғини раисларига медиация усул ва воситаларини нисбатан тез ўзлаштириш ҳамда уларни низоларни бартараф этиш ва тарафларни муросага келтириш жараёнида самарали қўллаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ–80-сон Фармониға мувофиқ, “Маҳалла ҳуқуқшуноси” лойиҳасини амалға ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида “Маҳалла раисларига маҳалла фаолиятиға доир, шунингдек, аҳолини қийнаб келаётган кундалик

муаммолар ечимига оид қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда уларни медиаторлик фаолияти бўйича ўқитиш” ташкил этилиб, фуқаролар йиғини раисларининг медиация моҳияти ва унинг усуллари (воситалари) бўйича назарий билимларини ривожлантириш ҳамда уларни қўллашга доир амалий кўникмаларга эга бўлишлари тизимли амалга оширилмоқда.

Мазкур услубий қўлланма ҳам мазкур фармонда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, фуқаролар йиғини раисларига медиация институтининг ҳуқуқий асослари, уни амалга ошириш принциплари ва тартиб-таомиллари, шунингдек, низоларни ҳал этишга қаратилган медиация усул ва воситаларини амалиётда самарали қўллаш бўйича зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

I БОБ. МЕДИАЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАРТИБ-ТАОМИЛИ

1.1-§. Медиация тушунчаси, моҳияти ва принциплари

Медиация соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади. Ушбу Қонун медиацияга оид асосий манбаа бўлиб, у медиациянинг мақсади, принциплари, иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, медиацияни қўллаш ва медиацияни амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилайди.

Қонунга мувофиқ медиация:

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда;

меҳнат-ҳуқуқий муносабатларда;

оилавий ҳуқуқий муносабатларда;

қонунда назарда тutilган бошқа муносабатларда келиб чиққан низоларни ҳал қилишда қўлланилади.

Бу муҳим! Шу билан бирга, медиация учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан ушбу Қонун татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ: **Медиация – келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усулидир.**

Мазкур таърифдан медиациянинг қуйидаги асосий белгиларини ажратиш мумкин:

медиация фақат низо келиб чиқиши сабабли амалга оширилади;

медиация жараёнида камида икки тараф иштирок этади;

медиатор низони ҳал қилмайди, балки тарафларга келишувга эришишда кўмаклашади;

қабул қилинадиган қарор ҳар икки тараф учун мақбул бўлиши лозим;

мазкур жараёнда тарафларнинг иштироки ихтиёрий ҳисобланади.

Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ медиация қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

- 1) махфийлик;
- 2) ихтиёрийлик;
- 3) тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;
- 4) медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги.

Ушбу принципларга қатъий риоя қилиниши медиациянинг самарадорлигини таъминлайди.

Хусусан, **махфийлик принципи** медиация жараёнида унинг иштирокчиларига маълум бўлиб қолган маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмасликни англатади.

Бундай махфий маълумотларга, жумладан:

тарафлардан бирининг медиацияни қўллаш тўғрисидаги таклифи ҳақидаги, худди шунингдек тарафлардан бири уни амалга оширишда иштирок этишга тайёр эканлиги тўғрисидаги;

низони ҳал этиш эҳтимоли хусусида тарафлардан бири билдирган фикрлар ёки таклифлар ҳақидаги;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш жараёнида тарафлардан бири томонидан билдирилган эътирофлар тўғрисидаги;

тарафлардан бири медиаторнинг ёки иккинчи тарафнинг низони ҳал этиш ҳақидаги таклифини қабул қилишга тайёрлиги тўғрисидаги;

тарафларнинг ёхуд уларнинг яқинлари шахсига доир ахборотлар киради.

Қолаверса, медиатор тарафларнинг розилигисиз низо моҳияти бўйича ошкора баёнотлар беришга ҳақли эмас. Шунингдек, медиация жараёнида маълум бўлган ҳолатлар бўйича иштирокчилар гувоҳ сифатида сўроқ қилинишига ҳам йўл қўйилмайди (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Амалий тавсия: Медиатор музокара бошланишидан аввал махфийлик қоидаларини тарафларга тушунтириши ва уларнинг розилигини олиши мақсадга мувофиқ.

Ихтиёрийлик принципи медиацияда тарафларнинг ўз хоҳишига кўра иштирок этиши, исталган вақтда жараёни давом эттиришдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлиши, муҳокама қилинадиган масалаларни эркин белгилаши ҳамда уларни келишув тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслигини англатади.

Эътибор беринг! Шу ўринда, тажрибали медиаторлар “жараён натижадан ҳам муҳимроқ” эканлигини таъкидлаб, медиация якунланганидан сўнг тарафларда: **“Бу қарорни мен ўзим қабул қилдим”**, деган ишонч ва қаноат ҳисси шаклланиши лозимлигини қайд этадилар. Зеро, медиациянинг асосий мақсади тарафларни муайян қарорга мажбурлаш эмас, балки уларнинг ихтиёрий равишда, ўзаро мақбул ечимга келишлари учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат.

Тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги принципи медиациянинг ўзаро ҳамкорлик, тенглик ва конструктив мулоқот асосида амалга оширилишини, медиаторнинг тарафларга нисбатан холис ва бетараф муносабатда бўлишини ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро мақбул келишувга эришишига кўмаклашишини англатади.

Медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принципи медиаторнинг фаолиятни мустақил амалга ошириши, медиация жараёнига ноқонуний аралашувга йўл қўйилмаслиги, ташқи таъсир ва босимдан холи бўлиши ҳамда тарафларга нисбатан бетараф ва тенг муносабатда бўлишида намоён бўлади.

Унутманг! Қонунчиликка мувофиқ, медиатор низо натижасидан шахсан манфаатдор бўлган ёки тарафлардан бири билан қариндошлик муносабатида бўлган ҳолларда медиацияни амалга ошириши мумкин эмас. Бироқ, ҳар икки тарафнинг эркин ва ўзаро розилиги мавжуд бўлса, унинг медиацияда иштирок этишига йўл қўйилади.

Бу муҳим! Холислик принципи, шунингдек, медиаторнинг низони кўриб чиқиш жараёнида ҳар икки тарафга нисбатан тенг муносабатда бўлишини, муайян бир тарафнинг ҳуқуқий позицияси ёки манфаатларини қўллаб-қувватламаслигини ҳамда медиация жараёнида бирор-бир тарафга ён босишга йўл қўймаслигини назарда тутди.

1.2-§. Медиация иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, медиация иштирокчилари сифатида **тарафлар ва медиатор** эътироф этилган.

Медиация тарафлари сифатида жисмоний шахслар (фуқаролар), шунингдек юридик шахслар (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар) иштирок этиши мумкин. Низонинг хусусиятига қараб **медиация тарафлари** сифатида оилавий низоларда – оила аъзолари, қўшничилик низоларида – бир девор қўшнилар, маҳалладошлар, меҳнат низоларида – иш берувчи ва ходим (ёки ходимлар), мулкӣ ва маиший низоларда эса фуқаролар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Эътибор беринг! Медиация икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида бўлиши, шунингдек бир ёки бир нечта медиатор томонидан амалга оширилиши мумкин.

Амалий тавсия: Мураккаб ҳуқуқий низоларда тарафларга адвокат ёки малакали ҳуқуқшунос иштирокини таъминлаш тавсия этилади. Бу медиатив келишувнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри расмийлаштирилишига хизмат қилади.

Қонун медиация тарафларига қуйидаги асосий ҳуқуқларни беради:

- медиаторни ихтиёрий равишда танлаш;
- медиаторни рад этиш ёки униалмаштиришни сўраш;

медиациянинг исталган босқичида унда иштирок этишдан воз кечиш;

медиацияда шахсан иштирок этиш;

медиацияда ўз вакиллари (масалан, адвокат, юристлар, ҳомийлар ва васийлар) орқали иштирок этишни назарда тутати.

Медиация тарафларининг асосий мажбурияти улар ўртасида тузилган медиатив келишув шартларига риоя қилиш ҳамда уни келишувда белгиланган тартиб ва муддатларда тўлиқ ва виждонан бажаришдан иборат.

Қонунчиликка мувофиқ, медиация тарафлари бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва улар зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклатилиши мумкин.

Медиатор – медиация жараёнини ташкил этадиган, тарафларга ўзаро мақбул келишувга эришишда кўмаклашувчи шахсдир.

Қонунчиликка мувофиқ, медиатор олий маълумотга эга бўлиши, Адлия вазирлиги тасдиқлаган махсус ўқув дастури бўйича тайёргарликдан ўтиши, малака имтиҳонини муваффақиятли топшириши ҳамда Медиаторлар реестрига киритилган бўлиши шарт. Ушбу талаблар медиаторнинг касбий салоҳияти ҳамда медиация жараёнининг сифатли ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Бу муҳим! Медиатор низони ҳал қилмайди ва унинг юзасидан қарор қабул қилмайди. Низони ҳал этишга қаратилган таклифлар медиация тарафларининг ўзлари томонидан илгари сурилади. Медиатор эса тарафлар ўртасида конструктив мулоқотни ташкил этади, билдирилган таклифларни муҳокама қилиш ва такомиллаштиришга кўмаклашади ҳамда ўзаро мақбул ечимга эришиш юзасидан тавсиялар беради.

Медиатор мажбуриятларига, жумладан, қуйидагилар киради:

қонунчилик ҳужжатлари талабларига ва Медиаторнинг касб этикаси қоидаларига риоя этиши;

медиация бошлангунига қадар медиация тарафларига медиациянинг мақсадини, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида фақат медиация тарафларининг розилиги билан ҳаракат қилиши;

низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга тарафларни ишонтиришнинг қонуний воситалари ва усулларидан фойдаланиши;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва намунада статистик маълумотларни тақдим этиб бориши;

ўзининг мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки юзага келса, бу ҳақда медиация тарафларини дарҳол хабардор қилиши.

Унутманг! Медиатор томонидан медиация тўғрисидаги қонунчилик талаблари, Медиаторнинг касб этикаси қоидалари бузилганлиги унга нисбатан Интизомий иш юритиш малака комиссиялари томонидан интизомий жазо чоралари (огоҳлантириш, медиатор фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш, медиаторни Медиаторлар реестридан чиқариш) қўлланилишига сабаб бўлади. Чунончи, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижасида етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда медиатор тарафлар олдида жавобгар бўлади.

1.3-§. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш

Медиатор ўз фаолиятини медиация тартиб-таомилига оид қонунчилик талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширади. Медиация тартиб-таомили медиацияни ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Медиация тартиб-таомилига оид асосий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни 3-бобининг 15–29¹-моддаларида мустаҳкамланган.

Жумладан, мазкур қоидалар қуйидаги масалалар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади:

- медиацияни амалга ошириш шартлари;
- медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув;
- медиациянинг бошланиши;
- медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув;
- медиацияни ўтказиш тартиби ва муддатлари;
- медиация тартиб-таомилининг тугатилиши;
- медиатор фаолиятига доир чекловлар;
- даъво муддатининг ўтишини тўхтатиб туриш;
- медиацияга тааллуқли ахборотнинг махфийлиги ва уни ошкор этиш шартлари;
- медиатор фаолиятига ҳақ тўлаш;
- медиатив келишувни тузиш ҳамда уни ижро этиш.

Эътибор беринг! Медиациянинг барча босқичлари қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Жараёнда белгиланган тартибга риоя қилиниши медиатив келишувнинг ҳуқуқий кучини таъминлайди.

Медиация жараёнини бошлашдан олдин, ёзма шаклда “Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув” тузилади (*1-иловага қаранг*). Мазкур келишув тарафларнинг низони медиатор иштирокида, медиация тартибида ҳал этишга розилигини ифодаловчи келишувдир.

Бу муҳим! Медиатор-фуқаролар йиғини раислари ва тарафлар ўртасидаги медиатив шартнома фуқаролик қонунчилигида белгиланган ҳолларда тузилиши мумкин.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда, қоида тариқасида, қуйидаги маълумотлар назарда тутилиши мақсадга мувофиқ:

- низонинг предмети;
- медиацияни ўтказиш тартиби;
- медиацияни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни тақсимлаш тартиби;

медиацияни ўтказиш муддати.

Амалий тавсия: Медиация тўғрисидаги келишув тузилишидан олдин медиатор низонинг қонунчиликка мувофиқ медиация тартибида ҳал этилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаши лозим. Чунки ҳар бир низо медиация предмети ҳисобланмайди. Масалан, эр томонидан хотинга тан жароҳати етказиши билан боғлиқ ҳолатлар медиация орқали ҳал этилмайди ва жабрланувчига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш тавсия этилади. Айни пайтда, боланинг яшаш жойи, тарбияси, у билан кўришиш тартиби, таълим муассасасини танлаш ҳамда уй-жойдан фойдаланиш каби оилавий низолар медиация тартибида ҳал этилиши мумкин.

Эслатма: “Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув” давлат органи томонидан кўриб чиқиладиган низони медиация тартибида ҳал этиш истагини билдирган тарафларнинг медиатор иштирокида тузадиган келишуви ҳисобланади. Мазкур келишув низони кўриб чиқишга ваколатли органга тақдим этилганда, қонунда назарда тутилган ҳолларда, ушбу орган иш муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлайди. Масалан, бундай келишув никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш бўйича фуқаролик судига мурожаат қилган, бироқ кейинчалик низони медиация тартибида ҳал этиш истагини билдирган эр-хотин томонидан медиатор иштирокида тузилиши мумкин.

“Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув”да, қоида тариқасида, қуйидаги маълумотлар назарда тутилади:

тарафлар тўғрисидаги маълумотлар;
низонинг предмети;
медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби,
медиатор ҳақида маълумот;
тарафларнинг келишилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
мажбуриятларни бажариш шартлари ҳамда муддатлари;
медиация тили, ўтказиладиган жойи ва санаси;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати (2-иловага қаранг.)

Қоидага кўра, медиация қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- 1) медиаторни танлаш;
- 2) медиация қоидаларини келишиб олиш;
- 3) низонинг мазмунини ўрганиш;
- 4) тарафларнинг манфаатларини аниқлаш;
- 5) музокараларни ташкил этиш;
- 6) ечим вариантларини муҳокама қилиш;
- 7) ўзаро мақбул қарорга келиш.

Бу муҳим! Қонунчиликка мувофиқ, медиация жараёнида медиатор холислик ва тенг ҳуқуқлилиқ принципларига риоя қилиши, тарафларга нисбатан бетараф муносабатда бўлиши ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймаслиги шарт. Медиациянинг ўзига хос хусусияти шундаки, медиатор низо юзасидан қарор қабул қилмайди, балки тарафларнинг ўзаро мақбул келишувга эришиши учун зарур шарт-шароит яратади.

Амалий тавсия: Низо бўйича ўзаро мақбул ечимга эришиш имконияти мавжуд бўлмаган ёки тарафлардан бири медиацияни давом эттиришдан воз кечган ҳолларда **баённома** расмийлаштириш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳужжат кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда муҳим далил сифатида хизмат қилиши мумкин (3-иловага қаранг).

Эътибор беринг! Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати қоида тариқасида, **ўттиз кундан ошмаслиги лозим**. Истисно тариқасида, тарафларнинг ўзаро розилигига кўра мазкур муддат яна ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

Эслатма: Медиатор фаолияти ҳақ эвазига ёки бепул амалга оширилиши мумкин. Тарафлар бошқача келишмаган бўлса, медиаторга ҳақ тўлаш ва медиация билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш тенг улушларда амалга оширилади. Медиатор медиацияни

ўтказишдан бош тортган тақдирда, тарафлар томонидан тўланган маблағлар қайтарилади.

Қонунчиликка мувофиқ, медиация қуйидаги асосларга кўра тугатилади:

тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилганда;

ўзаро мақбул ечимга эришиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

тарафларнинг медиацияни келишувсиз тугатиш ҳақида келишувига асосан;

тарафлардан бири медиацияни давом эттиришдан воз кечганда;

ёки медиацияни амалга ошириш учун белгиланган муддат тугаганда.

Хусусан, низо юзасидан ўзаро мақбул қарорга эришилган тақдирда тарафлар ўртасида ёзма шаклда “Медиатив келишув”ни тузилади.

Медиатив келишув Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талаблар ва шаклга мувофиқ тузилиши лозим *(4-иловага қаранг)*. Жумладан, “Медиатив келишув”да қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

медиатив келишув тарафларининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи);

медиатив келишув тарафларининг яшаш жойи ёки турган жойи (почта манзили);

агар медиатив келишув вакил томонидан тузилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

медиатив келишув тарафларининг келишувни бажариш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

медиатив келишув тарафлари томонидан келишилган мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари.

Шу билан бирга, тарафлар томонидан келишув бажарилмаслигининг оқибатлари тарафлар томонидан ушбу “Медиатив келишув” ҳужжатнинг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин.

Бу муҳим! Агарда медиатив келишувнинг шартлари қонунчиликка зид бўлса, медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қилса ёки дахл қилиши мумкин бўлса, бундай келишувни тузишга йўл қўйилмайди.

Медиация тартиб-таомилини амалга оширишнинг муҳим босқичларидан бири, бу унинг ижро этилишидир. Мазкур масала юзасидан Қонунда медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ва муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда ижро этилишини ҳақида маълумот келтирилган.

Эслатма: Медиатив келишув ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, тарафлар уни мажбурий ижрога қаратиш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда фуқаролик ишлари бўйича суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 40¹-бобида (358¹-358⁵-моддалар) белгиланган тартибда медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Медиация тушунчасига қонунчиликда қандай таъриф берилган?
2. Медиация қайси турдаги низоларга нисбатан қўлланилади?
3. Медиация қайси принциплар асосида амалга оширилиши лозим?
4. Медиация тарафларининг асосий ҳуқуқлари нималардан иборат?
5. Медиаторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини айтиб беринг.
6. Медиация тартиб-таомили қандай босқичлардан иборат?
7. Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув қандай мақсадда тузилади?
8. Медиация қайси ҳолларда тугатилади?
9. Медиатив келишув қандай ҳуқуқий кучга эга?

10. Қайси ҳолларда медиатив келишув мажбурий ижро этилиши мумкин?

Амалий топшириқлар:

1. Тарафлардан бири учрашувда иштирок этишга мажбурланганини айтди.

Савол: Медиатор қандай ҳаракат қилиши керак?

2. Низо қўшнининг мулкига эмас, умумий фойдаланишдаги йўлга дахл қилмоқда.

Топшириқ: Медиацияга яроқлилиқни баҳоланг.

3. Медиатив келишув матнида мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган.

Топшириқ: Хатони аниқланг ва тўғрилаш йўлини таклиф қилинг.

4. Икки қўшни ўртасида ер участкаси чегараси бўйича низони ҳал этиш юзасидан медиацияни амалга оширувчи медиатор тарафлардан бирининг қариндош эканлиги маълум бўлди.

Савол: Ушбу ҳолатда медиаторнинг хулқ-атвориға оид қайси принцип бузилган?

5. Икки меросхўр уй-жойни тақсимлаш масаласида келиша олмади ва медиацияга мурожаат қилди. Медиация жараёнида улар медиатив келишув туздилар, аммо белгиланган муддатда тарафлардан бири келишув шартларини бажармади.

Савол: Келишув бажарилмаган тақдирда манфаатдор тараф қандай ҳуқуқларга эга?

II БОБ. МЕДИАЦИЯ БОСҚИЧЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

2.1-§. Низоларни ҳал этиш босқичлари ва усуллари

Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонунига асосан медиаторнинг ҳуқуқлари қаторида низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга тарафларни ишонтиришнинг қонуний усуллари ва воситаларидан фойдаланиши белгиланган. Бундай усуллар (приёмлар) ва воситалар (инструментлар) медиациянинг ички жараёнини ташкил этади.

Медиациянинг амалга ошириш кетма-кетлиги қуйидаги даврларга (стадия) ажратилади:

- медиацияга тайёргарлик даври;
- медиациянинг асосий даври;
- медиацияни якунлов даври.

Медиацияга тайёргарлик даври медиацияни ўтказиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратишни қамраб олади.

Ушбу босқичда медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув тузилади, зарур маълумотлар йиғилади ҳамда медиацияни ўтказиш учун ташкилий-техник тайёргарлик (тарафларни хабардор қилиш, медиация ўтказиш хонасини, ундаги жиҳозларни тайёрлаш) ишлари амалга оширилади.

Медиациянинг асосий даври қуйидаги босқичлардан иборат:

- 1) медиаторнинг кириш сўзи;
- 2) тарафларнинг тақдимотлари (*тарафларнинг кириш сўзлари*);
- 3) музокаралар (*“қўшма сессия”*);
- 4) кун тартибини шакллантириш (*масалани аниқлаштириш*);
- 5) низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришиш учун вариантларни ишлаб чиқиш (*тарафларнинг таклифлари*).

Медиациянинг асосий даврини ташкил этувчи ҳар бир босқичи ўзига хос мазмун ва вазифага эга. Хусусан, **медиаторнинг**

кириш сўзи босқичида у медиация бошланишидан олдин тарафлар билан саломлашади, ўзини таништиради ҳамда медиация жараёнини олиб бориш тартиби ҳақида дастлабки маълумотларни беради. Шундан сўнг медиатор медиация тарафларига медиациянинг мақсади ва принциплари, унинг мазмун-моҳияти, босқичлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек махфийлик қоидаларини батафсил тушунтиради. Шунингдек, у медиация жараёнини мустақил, холис ва бетараф тарзда амалга оширишини маълум қилиб, тарафларнинг унга нисбатан ишончини шакллантиришга хизмат қилувчи асосий қоидаларни баён этади.

Унутманг! Медиатор кириш сўзи давомида тарафлардан бир-бирининг сўзини бўлмасликни, ўзаро ҳурмат сақлаган ҳолда мулоқот қилишни, ҳақоратли ёки нафсониятга тегадиган сўз ва ибораларни ишлатмасликни сўраши лозим (*5-иловага қаранг*).

Шундан сўнг медиатор тарафларнинг медиация жараёнида иштирок этишга тайёрлигини аниқлайди ва уларнинг розилиги билан медиациянинг кейинги босқичига ўтишни таклиф этади.

Эътибор беринг! Конструктив мулоқотга тарафларнинг салбий руҳий ҳолати тўсқинлик қилмаслиги учун медиатор хавфсиз ва ишончли психологик муҳитни шакллантириши ҳамда тарафлар учун қулай шароит яратиш чораларини кўриши мақсадга мувофиқдир.

Амалий тавсия: Никоҳдан ажралган эр-хотин ўртасида медиация ўтказилаётганда тарафлардан бири ўз хавфсизлиги юзасидан хавотир билдириши мумкин. Бундай ҳолатда медиаторнинг “Мен медиация жараёни давомида Сизлар билан бирга бўламан”, каби тушунтириши тарафда ишонч ва психологик хотиржамлик ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади.

Тарафларнинг тақдимотлари (тарафларнинг кириш сўзлари) босқичида ҳар бир тараф низо юзасидан ўз нуқтаи назарини, мавжуд фактларни, шунингдек, низога муносабатини баён қилади. Медиатор эса ҳар бир тарафга навбатма-навбат низо юзасидан ўз қарашларини эркин ифода этиши учун зарур шароитларни яратади.

Бунда медиаторнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

тарафларни диққат билан тинглаш;
ўзаро ҳурматли мулоқотни таъминлаш;
уларнинг бир-бирини тўғри тушунганлигини аниқлаш;
музокаралардан кутилаётган натижаларни белгилашдан иборат.

Бу муҳим! Мазкур босқичда медиатор тарафлар томонидан тақдим этилган муҳим маълумотларни қайд этиб бориши ҳамда кейинги музокаралар жараёнида аниқлик киритишни талаб этадиган масалаларни белгилаб, улар юзасидан зарур саволларни шакллантириши лозим.

Музокаралар (“қўшма сессия”) медиатор бошчилигида тарафларнинг умумий мулоқоти асосида уларнинг позиция ва манфаатларини муҳокама қилиш, низонинг ечимини излаш ҳамда ўзаро мақбул келишувга эришишга қаратилган жараёндир.

Музокаралар босқичи давомида:
тарафлар ўзаро фикр алмашади;
тарафлар низо предмети юзасидан ўз талабини ёки муносабатини билдиради;
тарафлар бир-бирига саволлар беради;
низони ҳал этиш бўйича эҳтимолий ечимлар изланади;
медиатор томонидан тарафларга саволлар берилади.

Маълумот учун! Қонунчиликка мувофиқ, музокаралар “online” шаклида ҳам ўтказилиши мумкин.

Амалий тавсия: Музокаралар босқичида медиатор “ақлий хужум” усулидан, яъни кетма-кет бир неча саволлар бериш орқали низонинг келиб чиқишига сабаб бўлган тарафларнинг ҳақиқий манфаатларини аниқлаши ҳамда уларнинг ўзаро мақбул келишувга эришишига қаратилган тавсиялар бериши мақсадга мувофиқ.

Назария ва амалиётда тарафларнинг низо предмети юзасидан билдирган талаблари ёки муносабати позиция, ушбу талаблар асосида ётган сабаблар эса манфаат деб юритилади.

Шу нуқтаи назардан, уларнинг қуйидаги тушунчаларини бериш мумкин:

Позиция – тарафнинг низо бўйича илгари сурган талаби ёки билдирган муносабати бўлиб, у манфаатга эришиш воситасини ифодалайди. Масалан, қарз берувчининг қарзни қайтаришни сўраши унинг талаби, қарздорнинг эса ҳозирча қарзни тўлай олмаслигини билдириши унинг муносабатини ифодалайди.

Манфаат – позиция ортида ётган ҳақиқий сабабдир. Бундай сабаблар сифатида муайян ҳодиса, вазият, муаммо ёки шахсий эҳтиёжлар бўлиши мумкин. Масалан, манфаатнинг асосини муайян ҳодиса (қўшинининг хонадонни сув босиши), вазият (турмуш ўртоғининг хиёнати), муаммо (моддий қийинчилик) ёки шахснинг физиологик, ижтимоий, хавфсизлик, мақом ва ўзини ривожлантиришга доир эҳтиёжлари ташкил этиши мумкин.

Бу муҳим! Медиацияда барқарор келишувга эришиш учун медиатор тарафларнинг позицияларидан кўра, уларнинг ҳақиқий манфаатларини аниқлаши лозим. Шу боис у доим: **“Бу позиция (талаб) ортида қандай манфаат ётган?”** деган саволга жавоб излаши зарур. Чунки барқарор медиатив келишув фақат ҳар икки тарафнинг ҳақиқий манфаатлари инobatга олинган тақдирдагина таъминланади.

Музокараларда конструктив мулоқотга эришилмаган ҳолларда, медиатор заруратга кўра тарафлар билан алоҳида-алоҳида учрашувлар (caucus) ўтказиши мумкин.

Медиация ушбу усулининг асосий мақсади тарафларнинг очик баён этилмаган ҳақиқий манфаат ва эҳтиёжларини аниқлашдан иборат бўлиб, олинган маълумотлар уларнинг розилиги асосида низони ҳал этишда қўллашдан иборат.

Унутманг! Тарафлар билан алоҳида-алоҳида учрашувда медиатор олинган маълумотларни музокаралар жараёнида ошкор этишдан олдин тарафнинг розилигини олиши шарт. Бу талаб махфийлик принципига риоя этиш ва тарафлар ўртасидаги ишончни таъминлашга хизмат қилади.

Кун тартибини шакллантириш (масалани аниқлаштириш)
босқичида медиатор тарафларга низони ҳал этиш йўналишларини аниқ белгилашни тавсия этади.

Ушбу босқичнинг асосий мақсади тарафларни ечим вариантларини ишлаб чиқишга тайёрлашдан иборат. Бунда медиатор тарафларга ечимларни позициялардан эмас, балки уларнинг ҳақиқий эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда излашни тавсия қилади.

Медиация амалиётида мазкур ёндашув “манфаатларга йўналтириш” усули деб аталади ва у “Мен нимани хоҳлайман?” эмас, балки “Нега бу мен учун муҳим?” деган саволга жавоб излашга асосланади.

Амалий мисол: Тарафларнинг тушунтиришларидан қарздорнинг дўкони таъмирланаётгани сабабли даромади вақтинча тўхтагани, қарз берувчига эса маблағ ўғлига туғилган куни муносабати билан тўрт ярим миллион сўмга смарт телевизор совғасини харид қилиш учун шошилиш зарурлиги аниқланди. Бу ҳолат тарафларнинг ҳақиқий манфаатларини белгилаш орқали ўзаро мақбул ечимни топиш имконини беради.

Низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришиш учун вариантларни ишлаб чиқиш (тарафларнинг таклифлари)
босқичида медиатор тарафларга ўзаро манфаатли ечимларни излашга кўмаклашади.

Бунинг учун медиатор “фасилитация” (ёрдам/кўмак бериш) усулидан фойдаланиб, тарафларнинг таклифларини муҳокама қилиш ва баҳолашга йўналтиради.

Мазкур босқичнинг мазмун-моҳиятини юқорида келтирилган мисолда кўриб чиқамиз.

Амалий мисол: Қарздор тараф ўз дўконида қарз берувчи харид қилмоқчи бўлган смарт телевизор мавжудлигини ҳамда қарз мажбуриятини ушбу телевизорни топшириш орқали бажаришга тайёрлигини маълум қилди. Шундан сўнг медиатор “фасилитация” усулидан фойдаланиб, қарз берувчига мазкур таклифни ҳар икки тарафнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда баҳолашни тавсия

этди. Натижада қарз берувчи таклифни қабул қилди ва тарафлар ўзаро мақбул медиатив келишувга эришдилар.

Ушбу мисол тарафларнинг ҳақиқий манфаатларини аниқлаш низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишнинг муҳим шарти эканини кўрсатади.

Ниҳоят, низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришилгандан сўнг **медиациянинг якунлов даврига** (медиациянинг тўғатилиши) ўтилади.

Медиациянинг якунлов даври (стадии) қуйидаги босқичлардан иборат:

медиатив келишувни тайёрлаш;

медиатив келишувни имзолаш;

медиациядан чиқиш.

Тарафлар ўртасида келишувга эришилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасида келтирилган талабларга мувофиқ медиатив келишуви расмийлаштирилади.

Бу муҳим! Медиатив келишувни тайёрлашда медиатор келишув шартлари тарафларнинг қонуний манфаатларига мослиги, матни эса аниқ ва тушунарли қилиб ёзилганлиги, тарафлар томонидан қабул қилинган қарор эса амалда реал бажарилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиши зарур.

Унутманг! Медиатив келишувни имзоланишидан олдин медиатор унинг мазмуни ва ҳуқуқий оқибатларини тарафларга тушунтириши ҳамда келишув ихтиёрий ва онгли равишда қабул қилинаётганини таъминлаши лозим.

Медиатив келишув ҳужжати тарафлар ва медиатор томонидан имзоланади.

Медиациядан чиқишда медиатор тарафларнинг эришилган натижалардан қониқиш даражасини аниқлайди, келишувни амалга оширишнинг кейинги тартиби юзасидан зарур тушунтиришлар беради, тарафлар ўртасида алоқани таъминлаш усуллари келишиб олади ҳамда уларнинг самарали ҳамкорлиги учун миннатдорлик билдиради.

Шу билан медиация жараёни якунланади.

2.2-§. Низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга оид воситалар

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни медиаторнинг мажбуриятларидан бири сифатида тарафларни низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга ундашнинг қонуний усуллари ва воситаларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Бугунда, низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга қаратилган тарафларни ишонтиришнинг воситалари медиация соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган хорижлик ва мамлакатимиз медиаторлик фаолиятини амалга ошираётган мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётда самарали қўлланилмоқда.

Медиация назарияси ва амалиётида тарафларнинг низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эриштириш мақсадида, жумладан, “фаол тинглаш”, “рефрейминг”, “парафраз”, “очиқ саволлар бериш”, “нейтрал нутқдан фойдаланиш”, “эмпатия” каби ишонтириш воситаларидан (инструментлар) фойдаланилади.

Медиациянинг **“фаол тинглаш”** воситаси, медиаторнинг тарафлар ахборотни диққат билан қабул қилиши, уни англаши ва мазмунини аниқлаштиришга қаратилган коммуникацион восита ҳисобланади. У вербал (нутқли) ва новербал (нутқсиз) усуллар орқали тарафларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фикр ва эҳтиёжларини аниқлашга хизмат қилади.

Вербал мулоқот медиатор ва тарафлар ўртасида ахборот алмашиш, қабул қилиш ва узатишнинг оғзаки шаклда бўлиб, музокара, муҳокама, савол-жавоб ҳамда қисқа тасдиқловчи иборалар орқали амалга оширилади.

Амалий тавсия: “Тушунаяпман”, “Сизни тушундим”, “Бу Сизлар учун муҳим” каби иборалардан фойдаланиш тарафларнинг фикри ва эҳтиёжларини англаш ҳамда самарали мулоқотни таъминлашга хизмат қилади.

Бу муҳим! Вербал мулоқотда бетарафлик, холислик, ҳурмат ва ҳамдардликни намоён этиш тарафларда медиаторга нисбатан ишончни шакллантиради.

Амалий тавсия: Медиатор тарафларнинг фикрларига розилик ёки норозилик билдирмасдан, уларни тушунганлигини холисона намоён этиши лозим. Тарафларни мунтазам рағбатлантириш эса уларнинг медиация жараёнида фаол иштирокини таъминлайди.

Новербал мулоқот медиаторнинг кўз билан алоқаси, тана ҳолати, имо-ишоралари, мимикаси ва овоз оҳанги орқали намоён бўлиб, тарафга нисбатан диққат ва ҳурматни ифодалайди. Жумладан, медиаторнинг суҳбатдошга диққат билан қараши, бошқа ишларга чалғимаслиги, телефондан фойдаланмаслиги ҳамда тарафнинг нутқини бўлмасдан тинглаши самарали новербал мулоқотнинг муҳим элементлари ҳисобланади.

“Рефрейминг” (ингл. *reframing* – “қайта шакллантириш”) тарафларнинг салбий ёки кескин баёнотларини нейтрал ва конструктив шаклда ифодалашга қаратилган медиация воситасидир. Рефрейминг медиаторга низонинг ҳиссий кескинлигини пасайтириш, тарафларнинг талабларидан уларнинг асл манфаатларига эътиборини қаратиш ва ўзаро мулоқотни самарали ташкил этиш имконинин беради.

Амалий тавсия: “У доимо алдайди” каби кескин фикр медиатор томонидан “Сиз келишувларнинг ҳалол ва шаффоф бажарилишини хоҳлайсиз” тарзида нейтраллаштирилиши мумкин.

Медиацияда **“парафраз”** (қадимги юнонча *paraphrasis* — “қайта баён қилиш”) тарафларнинг фикр ва мулоҳазаларини мазмунан сақлаган ҳолда, бошқа сўз ва ифода шакллари орқали қайта баён этиш воситасидир. Парафразнинг асосий мақсади тарафларнинг бир-бирини яхшироқ англашига кўмаклашиш, низонинг эмоционал кескинлигини пасайтириш ва конструктив музокара муҳитини шакллантиришдан иборат. Бунда медиатор айблов мазмунидаги фикрларни нейтрал шаклда қайта ифодалаш орқали тарафнинг асл эҳтиёж ва манфаатларини аниқлашга кўмаклашади.

Амалий тавсия: “Қўшним баланд овозда мусиқа эшитади, шу боис, қизларим дарс тайёрлашга қийналяпти” деган сўзлар, медиатор томонидан “Тўғри тушундимми, шовқин туфайли болаларингиз дарс тайёрлашда қийналмоқда?” тарзида қайта баён қилиниши мумкин.

“Очиқ саволлар бериш” – тарафларнинг фикр, эҳтиёж ва ҳис-туйғуларини аниқлаш, шунингдек, уларни мулоқотни давом эттиришга рағбатлантиришга қаратилган медиация воситасидир. Саволлар аниқ, мақсадли ва тарафларнинг манфаатларини аниқлашга йўналтирилган бўлиши лозим. Масалан, “Ушбу учрашувдан қандай натижа кутяпсиз?”, “Сизнингча, бу масала қанчалик муҳим?”, каби саволлардан фойдаланиш мумкин. Медиаторнинг саволлари бетараф ва конструктив хусусиятга эга бўлиб, тарафларнинг ўзаро мақбул ечим излашини рағбатлантириши зарур.

Амалий тавсия: “Сизларга нима десам экан?” ёки “Яна нима дейишим мумкин?” каби ноаниқ ва мақсадсиз саволлар медиаторнинг профессионал компетентлигига нисбатан шубҳа уйғотиб, тарафларнинг унга бўлган ишончи пасайишига олиб келиши мумкин.

Медиация жараёнида **“нейтрал нутқдан фойдаланиш”** медиаторнинг барча тарафларга нисбатан бетараф ва холис тилда мулоқот олиб боришини таъминловчи муҳим воситадир. Унинг асосий мақсади тарафлар ишончини мустаҳкамлаш, мулоқотни конструктив йўналтириш ва ҳиссий кескинликни пасайтиришдан иборат. Мазкур восита медиатордан айблов ёки салбий мазмундаги атамалардан воз кечиб, тарафларга нисбатан “жабрланувчи” ёки “айбдор” каби баҳоловчи иборалар ўрнига “биринчи тараф” ва “иккинчи тараф” каби нейтрал атамалардан фойдаланишни талаб этади.

“Эмпатия” (юнонча *pathos* — «ҳамдардлик») медиацияда медиаторнинг тарафларнинг ҳис-туйғулари, ҳолати ва нуқтаи назарини англаш ҳамда уларга нисбатан тушуниш билан муносабат билдириш қобилиятини ифодалайди. Эмпатия ҳиссий зўриқишни

камайтириш, тарафларнинг ўзаро тушунишини таъминлаш ва конструктив мулоқот орқали мақбул ечимга эришишга кўмаклашади. Психологияда эмпатиянинг когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор турлари ажратилади. Улар мос равишда вазиятни англаш ва ифодалаш, ҳиссий ҳолатни тушуниш ҳамда диққат билан тинглаш, бош ирғаши ва очиқ тана тили каби вербал ва невербал воситалар орқали намоён бўлади.

Маълумот учун: Медиаторнинг “Мен сизнинг вазиятингизни тушунаман – бундай қарор қабул қилиш осон эмас” мазмунидаги мурожаати когнитив эмпатия, “Бу вазият сизга жуда оғир таъсир қилган, шундайми?” каби ифода эса эмоционал эмпатия намоёни сифатида баҳоланади. Хулқ-атвор эмпатияси медиаторнинг тарафнинг эмоционал ҳолатини инобатга олган ҳолда невербал (нутқсиз) мулоқот воситалари, жумладан, юз ифодаси, имо-ишора, кўз контакти ва овоз оҳангидан мақсадли фойдаланишида намоён бўлади.

Медиация жараёнида, шунингдек, низо эскалациясининг олдини олиш мақсадида медиаторга тарафларнинг рухий-эмоционал ҳолатини мунтазам кузатиб бориш тавсия этилади.

Унутманг! Тарафлар хавфсизлигини таъминлаш учун медиация ўтказиладиган стол ўстидан ўткир, санчиладиган (канцелярия пичоғи, қайчи) ва оғир буюмларни (гулдон, сув графини, кулдон ва бошқ.) олиб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Амалий тавсия: Эскалация юзага келган ҳолларда медиатор тарафларнинг эмоционал зўриқишини камайтириш мақсадида чалғитувчи саволлардан фойдаланиши, танаффус эълон қилиши ёки тинчланиш учун қулай шароит яратиши мумкин. Масалан, оилавий медиация жараёнида медиатор эр-хотиндан уларнинг қандай танишгани, фарзандларининг нима билан шуғулланаётгани каби саволларни сўраб, уларнинг эътиборини низо предметида вақтинча чалғитиши мумкин. Тарафлар эмоционал жиҳатдан барқарор ҳолатга келганидан сўнг, медиация жараёнини давом эттириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу ва бошқа медиация воситаларининг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, уларни оилавий, қўшничилик, мулкӣй ва маиший низолар хусусиятидан келиб чиқиб тўғри танлаш ва самарали қўллаш тарафларнинг ҳамкорлиги асосида низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришиш имконини беради.

Назорат учун саволлар:

1. Медиация жараёни қандай асосий даврларга ажратилади?
2. Медиаторнинг кириш сўзи босқичида қандай масалалар тушунтирилади?
3. Музокаралар босқичининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
4. Нима учун медиатор тарафларнинг позицияларидан кўра ҳақиқий манфаатларини аниқлашга эътибор қаратиши лозим?
5. Тарафлар билан алоҳида-алоҳида учрашув (caucus) қандай мақсадларда ўтказилади?
6. Медиациянинг якунлов даври қандай босқичлардан иборат?
7. Медиациядан чиқиш босқичида медиаторнинг вазифалари нималардан иборат?
8. Медиациянинг қандай воситаларини (инструментлари) биласиз?
9. Эскалация юзага келганда медиатор қандай усуллардан фойдаланиши мумкин?
10. Медиация жараёнида тарафларнинг хавфсизлигини таъминлаш қандай чораларни талаб этади?

Амалий топшириқлар:

1. Оилавий низода тарафлар никоҳдан ажрашиш масаласида келиша олмаяпти.

Топшириқ: Қуйидаги мақсадлар учун биттадан очик савол тузинг: тарафнинг асосий манфаатини аниқлаш; фарзандлар манфаатини аниқлаш; молиявий эҳтиёжларни аниқлаш; келажакдаги муносабатларни белгилаш; ўзаро мақбул ечимни шакллантириш.

2. Икки қўшни ўртасида хонадонларнинг биридаги таъмирлаш ишлари туфайли шовқин юзага келган.

Топшириқ: Алоҳида учрашув (caucus) давомида уларга берилиши мумкин бўлган бешта савол ишлаб чиқинг.

3. Тарафлар ўзаро мақбул келишувга эришдилар.

Топшириқ: Қуйидагиларни инобатга олинган ҳолда медиаторнинг якунлов нутқини тайёрланг: келишув натижасини тасдиқлаш; тарафларнинг келишув шартларини англаганлигини аниқлаш; келишувни ихтиёрий қабул қилишини таъминлаш; кейинги ижрони тушунтириш; тарафларга миннатдорлик билдириш.

4. Қайнона ва келин ўртасида ошхонадан фойдаланиш тартиби юзасидан низо келиб чиқди. Медиатор низода ким ҳақ ва ноҳақликлигин аниқлаш мақсадида тарафларга мурожаат қилди.

Топшириқ: Медиаторнинг мазкур ҳаракатларига баҳо беринг.

III БОБ. АЙРИМ НИЗОЛАР ЮЗАСИДАН ЎЗARO МАҚБУЛ КЕЛИШУВГА ЭРИШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1-§. Оилавий низоларни ҳал этишда эътибор қаратиладиган масалалар

Оилавий низоларни медиатор кўмагида медиация тартиб-таомили асосида ҳал этиш оилавий муносабатларни сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бунда медиатор оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат ва конструктив мулоқотни таъминлаш мақсадида юқорида баён этилган медиация воситаларидан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиши лозим.

Мамлакатимиздаги оилавий урф-одатларга кўра, оила таркиби эр-хотиндан ташқари, қайнота-қайнона, фарзандлар ҳамда бошқа яқин қариндошларни қамраб олиши мумкин. Бу ҳолат оилавий ва қариндошлик муносабатларини сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, оилада шаклланган ўзаро муносабатлар низоларнинг хусусияти ва уларнинг оқибатларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумот учун! Барқарор оилаларда низолар аксарият ҳолларда муносабатларни мустаҳкамловчи хусусиятга эга бўлса, носоғлом оилавий муҳитда улар ажратувчи хусусиятга эга.

Бириктирувчи низолар, одатда, оила аъзоларининг умумий манфаатларига дахлдор муаммолар асосида юзага келиб, уларни бартараф этиш оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундай низоларга оиладаги тартиб-интизом, бюджетни оқилона юритиш, саранжомлик, исрофгарчиликнинг олдини олиш ва фарзанд тарбиясига оид масалаларни киритиш мумкин. Уларни конструктив ҳал этиш натижасида эр-хотин ўзаро тушуниш, мослашиш ва ҳамкорлик қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Ажратувчи низоларда низонинг келиб чиқишига сабаб бўлган муаммо ва уни ҳал этиш бир тарафнинг манфаатини қондиришга қаратилган бўлади. Бундай низоларда бир тараф манфаатининг таъминланиши кўпинча иккинчи тараф манфаатининг чекланиши

ёки бой берилиши ҳисобига амалга ошади. Масалан, эр ёки хотиннинг оилавий манфаатларни инобатга олмаган ҳолда шахсий эҳтиёжлари учун харидларни амалга ошириши натижасида юзага келадиган низолар бунга мисол бўла олади.

Оилавий низоларни ҳал этишда бола билан боғлиқ масалалар алоҳида аҳамият касб этади. Бундай низоларда медиатор, аввало, боланинг тарафлар ўртасидаги низода “восита” сифатида қўлланилишига йўл қўймаслиги ва унинг энг устувор манфаатларини инобатга олиши лозим. Шунингдек, болани медиация жараёнига жалб этишдан, одатда, воз кечиш мақсадга мувофиқ.

Амалий тавсия: Боланинг ким билан яшаши юзасидан низоларда тарафларнинг позицияларидан ҳақиқий манфаатларига йўналтириш воситасидан самарали фойдаланиш мумкин. Масалан, она “Бола фақат мен билан яшаши керак”, ота эса “Йўқ, бола мен билан яшайди” деган позицияни илгари суриши мумкин. Бундай ҳолатда медиатор онадан “Боланинг сиз билан яшаши нима учун муҳим?” деб сўраганда, у “Мен ҳам унинг ҳаётида иштирок этишни, у мени унутмаслигини хоҳлайман”, деб жавоб бериши мумкин. Отага ҳам худди шу мазмунда савол берилганда, у ҳам фарзандининг ҳаётида иштирок этиш ва у билан яқин муносабатни сақлаш истагини билдириши мумкин. Шундан сўнг медиатор қўшма сессияда: “Иккалангиз учун ҳам фарзандингизнинг бахтли бўлиши ва сизлар билан яқин муносабатни сақлаши муҳим экан. Буни биргаликда қандай таъминлаш мумкин?” деган саволни қўйиши орқали тарафларнинг умумий манфаатларини аниқлашга ва рақобатли позициялардан ҳамкорликка ўтишга кўмаклашади.

Маълумот учун! Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига киритилган сўнгги ўзгартишлар алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 октябрдаги ЎРҚ–1089-сон Қонуни билан Оила кодексининг 76-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, боладан алоҳида яшовчи ота ёки онанинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби бўйича ота-она ўртасида ёзма келишув тузилиши мумкин. Шунингдек, мазкур

масала юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, судга мурожаат қилишдан олдин медиация тартиб-таомилидан фойдаланиш имконияти назарда тутилган. Ота-она ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда эса, низо улардан бирининг талаби асосида васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида суд томонидан ҳал этилади.

Оилавий низоларда тарафларнинг ҳиссий зўриқиши юқори бўлганлиги сабабли, медиатор уларни дарҳол ечим қабул қилишга ундамасдан, аввало, “фаол тинглаш” воситаси орқали уларнинг фикр ва кечинмаларини диққат билан қабул қилиши ҳамда уларни тушунганини намоён этиши мақсадга мувофиқ.

Амалий тавсия: Медиация тарафларида бири бўлган хотин ажрашиш ва фарзандини ўзи тарбиялаш истагини билдириб, “У ҳеч қачон уйда бўлмайди, доимо ишда. Болага вақт ажратмайди, энди эса болани олмоқчи”, деб айтганда, медиатор: “Сиз шу йиллар давомида фарзандингизни асосан ўзингиз тарбиялагансиз ва бу сиз учун оғир кечган. Мен сизни тўғри тушундимми?” дея унинг ҳис-туйғуларини акс эттириши мумкин.

Унутманг! Оилавий низоларда медиатор бетарафлик ва холислик принципларига қатъий риоя қилиши лозим. Эр ёки хотин, қайнона ёки келин, шунингдек, оиланинг бошқа аъзоларидан бирига нисбатан устувор ҳамдардлик билдириш медиаторнинг бетарафлигига путур етказиб, медиация самарадорлигини пасайтириши мумкин. Шу билан бирга, оила аъзолари кўпинча юқори ҳиссий зўриқиш ҳолатида бўлишини инобатга олган ҳолда, медиаторнинг эмпатия воситасидан мақсадли фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Бунда медиатор тарафнинг ҳис-туйғуларини инобатга олгани ва уни тушунганини нейтрал тарзда ифодалаши лозим.

Амалий тавсия: Ажрашиш жараёнида моддий қийинчиликка дуч келган аёл: “У мени уйдан ҳайдаб юборди, болаларим билан кўчада қолдим, ҳеч кимим йўқ”, деб билдирса, медиатор: “Бу вазият сиз ва фарзандларингиз учун жуда оғир кечаётганини тушунаман”, дея унинг ҳиссий ҳолатини тан олиши мумкин.

Бундай ёндашув тарафнинг эмоционал зўриқишини камайтириб, конструктив мулоқотга тайёрлигини оширади ҳамда низонинг келиб чиқиш сабаблари ва тарафларнинг ҳақиқий манфаатларини аниқлашга кўмаклашади.

Оилавий низоларда медиаторнинг тарафлар билан алоҳида-алоҳида учрашувлар (caucus) ўтказиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки оила аъзолари кўп ҳолларда бир-бири иштирокида айрим фикр ва ҳис-туйғуларини эркин ифодалай олмайдилар. Хусусан, эр-хотин ўртасида ажрашиш масаласи юзасидан музокаралар жараёнида тарафлар ўз позициясини очик баён этмаса ёки мулоқотдан тийилса, улар билан алоҳида учрашув ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Амалий тавсия: Медиатор алоҳида учрашувда эрга: “Сиз учун ушбу вазиятда энг муҳими нима?” ёки “Ҳозир нимани ҳис қиляпсиз?” каби саволлар билан мурожаат қилиши мумкин. Эр эса: “Мен фарзандларимни йўқотишдан кўрқяпман, лекин буни хотиним олдида айта олмайман”, деб жавоб бериши мумкин. Бунда медиатор: “Ушбу ҳис-туйғу ва манфаатингизни қўшма сессияда қандай ифодалаш мумкинлигини биргаликда муҳокама қиламизми?” дея мурожаат қилиши мумкин. Бу ёндашув тарафнинг чуқур манфаатини аниқлаш ва унинг розилиги асосида қўшма музокарада конструктив ечим излаш учун замин яратади.

Бу муҳим! Ажрашиш арафасидаги эр-хотин ўртасида мулоқот ва ўзаро муносабатларни яхшилаш имкониятларини муҳокама қилиш ҳам медиациянинг муҳим йўналишларидан бири бўлиши мумкин.

3.2-§. Қўшнилар ўртасидаги ҳамда мулкӣ ва маиший низоларни ҳал этишга оид тавсиялар

Қўшнилар ўртасидаги низолар кундалик ҳаётда кенг учрайдиган маиший низолар турларидан бири ҳисобланади. Бундай низоларнинг предметини, жумладан:

кўп квартирали уйларда шовқин-суронга йўл қўйиш;
умумий фойдаланиш жойларини ифлослантириш;

автотранспорт воситаларини парковка қилиш жойларидан фойдаланиш;

чиқиндиларни белгиланган тартибда чиқармаслик;

уй ҳайвонларини сақлаш қоидаларига риоя этмаслик;

ҳовли-жойларда ер участкаси чегараларига риоя қилмаслик;

чорва молларини сақлашда санитария-гигиена талабларини бузиш ва бошқа шу каби масалалар ташкил этади.

Шубҳасиз, бундай низоларнинг суд тартибида ҳал этилиши қўшнилари ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, қўшничилик муносабатларини сақлаб қолиш мақсадида медиатор низони ҳал этишга холислик, сабр-тоқат ва конструктив ёндашув асосида, тегишли медиация воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда ёндашиши лозим.

Бу муҳим! Қўшнилари ўртасидаги низоларни медиация тартибида ҳал этишда тарафларнинг қўшничилик муносабатларини сақлаб қолиш манфаатини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Унутманг! Қўшнилари ўртасидаги низоларни ҳал этишда медиатор: “Сизлар учун кўп йиллик қўшничилик муносабатларини сақлаб қолиш муҳим, деб ўйлайман. Келинг, ҳар икки тарафнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, низо юзасидан ўзаро мақбул ечимни биргаликда излайлик”, дея тарафларни конструктив ҳамкорликка йўналтириши тўғри бўлади.

Амалий тавсия: Кўп қаватли уйда яшовчи икки қўшни ўртасида парковка жойидан фойдаланиш юзасидан келиб чиққан низони медиация тартибида ҳал этишда медиатор тарафларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, парковкадан навбат асосида ёки белгиланган вақтларда фойдаланиш, жойларни рақамлаш ва тенг тақсимлаш, шунингдек, вақтинчалик фойдаланиш тартибини белгилашни тавсия қилиши мумкин.

Аксарият ҳолларда қўшнилари ўртасидаги низолар тарафларнинг бир-бирига нисбатан устунликка интилиши, ўзаро ниятларга ишончсизлик билан ёндашиши ёки бир-бирини тушунишга тайёр эмаслиги сабабли мураккаблашади. Бундай ҳолатларда медиаторнинг медиация воситаларини низонинг

хусусияти ва тарафларнинг манфаатларидан келиб чиқиб тўғри танлаши ҳамда самарали қўллаши муҳим аҳамият касб этади.

Унутманг! Тарафлар ўзаро қўпол ва кескин ифодалардан фойдаланган ҳолларда медиатор парафраз (қайта баён қилиш) воситасидан мақсадли фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Амалий тавсия: Бир тарафнинг “Қўшним нима сабабдан санитария-гигиена талабларига риоя қилмаган ҳолда қўй боқмоқда?” деган кескин саволини медиатор “Сиз санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда қўй боқиш тартибини аниқлаштирмоқчисиз”, дея нейтрал шаклда қайта баён қилиши мумкин.

Бу муҳим! Шунингдек, медиатор ўз нутқида баҳоловчи ва айблов хусусиятидаги ифодалардан воз кечиб, нейтрал нутқдан фойдаланиши лозим.

Амалий тавсия: “Сиз нотўғри иш қилдингиз” деган баҳо ўрнига “Мазкур вазият ҳар икки тараф учун ҳам муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда”, дея мурожаат қилиш тарафлар ўртасида конструктив мулоқотни сақлашга хизмат қилади.

Унутманг! Шунингдек, қўшнилар ўртасидаги низоларни ҳал этишда тарафларнинг ўзаро мақбул ечимга қаратилган таклифларини аниқлаш ва шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда “ақлий ҳужум” воситасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у низони ҳал этишнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Амалий мисол: Масалан, бир тараф томонидан қурилаётган 2,5 метр баландликдаги чегара девори юзасидан иккинчи тараф эътироз билдирди. Эътирозга асос сифатида девор қурилиши натижасида унинг ҳовлисида ҳаво айланиши чекланиши кўрсатилди. Бундай ҳолатда медиатор “ақлий ҳужум” воситасидан фойдаланиб, ҳар икки тарафга ечимнинг муқобил вариантларини таклиф этишга ундайди. Натижада девор қураётган тараф ҳар икки ҳовлида ҳаво айланишини таъминлаш мақсадида деворда махсус лойиҳалаштирилган ҳаво ўтказувчи тешиklar қолдиришни таклиф

қилди. Мазкур ечим иккинчи тарафнинг манфаатларига мос келгани боис, у таклифни қабул қилди ва тарафлар ўзаро мақбул келишувга эришдилар.

Маълумот учун! Мулккий низоларнинг предмети мулкни баҳолаш, уй-жой ва бошқа мол-мулкни бўлиш, мерос муносабатлари, умумий мулкни тақсимлаш, кўчмас мулкка оид битимлардан келиб чиқадиган келишмовчиликлар, ижара муносабатлари ҳамда бошқа мулккий масалалар ташкил этади.

Бу муҳим! Амалиётда низо предмети моддий бойликлардан иборат бўлган ҳолларда, медиатор тарафларнинг мазкур ресурсларда нимани қадрлаши ва улар учун қайси жиҳатлар муҳимлигини аниқлаши муҳим аҳамиятга эга. Бу тарафларнинг ҳақиқий манфаатларини аниқлаш, низонинг сабабларини чуқурроқ англаш ва ўзаро мақбул ечим ишлаб чиқиш имконини беради. Аксинча, тарафлардан бирининг фақат ўз манфаатини устувор қўйиши ва бошқа тараф манфаатларини инобатга олмаслиги медиатив келишувга эришишни қийинлаштиради. Бундай ҳолатларда низони суд тартибида ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Амалий мисол: Икки қариндош ўртасида мерос тариқасида қолдирилган, таъмир талаб бир хонали квартира юзасидан низо келиб чиққан. Медиация жараёнида тарафлардан бирининг моддий жиҳатдан таъминлангани, иккинчи тараф эса моддий қийинчилик сабабли оиласи билан ижара уйда яшаётгани аниқланди. Моддий жиҳатдан таъминланган тараф медиаторга: “Мен бошқа таклифларни муҳокама қилишни истамайман, квартира менга тегишли бўлиши керак, иккинчи тарафга ҳеч нарса берилмайди”, дея ўз позициясини билдирди.

Мисолдаги ҳолатда медиатор ўзаро мақбул келишувга эришиш имконияти мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда, тарафларга низони фуқаролик ишлари бўйича суд тартибида ҳал этиш учун мурожаат қилишни тавсия этиши мақсадга мувофиқ.

Аксинча, моддий жиҳатдан таъминланган тараф мазкур уй-жойни марҳум ота-онаси яшаганлиги сабабли қадрли деб ҳисобласа

ва уни бегона шахсга ўтиб кетишини истамаса, бошпанасига муҳтож иккинчи тарафга уй-жойни бериш ҳамда унинг қийматининг ярмини бўлиб-бўлиб тўлашга розилик билдириши мумкин. Бундай ҳолатда тарафларнинг ҳақиқий манфаатлари инобатга олинган ҳолда медиатив келишувга эришиш имконияти юзага келади.

Мазкур мисолдан кўриниб турибдики, биринчи ҳолатда тараф ўзининг мулкӣ устунлигини намоён этган бўлса, иккинчи ҳолатда унинг асосий манфаати ота-онаси хотираси билан боғлиқ эканлиги аниқланади.

Маълумот учун! Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ, давлат мулкидаги ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини қайтариш ёки ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ишлар бўйича медиатив келишув тузишга йўл қўйилмайди (ФПК 270⁹-моддаси).

Маиший низоларнинг предметини маҳалла ҳудудидаги савдотик муносабатларида юзага келадиган келишмовчиликлар ҳамда кундалик турмушга оид бошқа масалалар ташкил этиши мумкин.

Амалий тажриба шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда тарафлар низонинг асл сабабларини очиб бермасдан, фақат ўз талабларини баён қилиш билан чекланадилар. Масалан, маҳалла ҳудудидаги бозорда савдо жойидан фойдаланиш юзасидан келиб чиққан низода тарафларнинг ташқи позициялари ўхшаш бўлса-да, уларнинг ҳақиқий манфаатлари турлича бўлиши мумкин.

Шу боис медиаторнинг тарафлар билан алоҳида учрашувлар (caucus) ўтказиши низонинг асл сабаблари ва яширин манфаатларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса низонинг асосий сабабларини бартараф этишга қаратилган, масалан, савдо жойларини ўзаро алмаштириш каби ўзаро мақбул ечимни ишлаб чиқиш ва келгусида низолар такрорланишининг олдини олиш имконини беради.

Назорат учун саволлар:

1. Оилавий низоларни медиация тартибида ҳал этишнинг асосий мақсади нимадан иборат?
2. Бириктирувчи ва ажратувчи низолар ўртасидаги асосий фарқ нимада?
3. Болалар билан боғлиқ оилавий низоларда медиатор нималарга алоҳида эътибор қаратиши лозим?
4. Қўшнилари ўртасидаги низоларда медиаторнинг асосий вазифаси нимадан иборат?
5. Моддий бойликка нисбатан тарафларнинг қадриятлари медиация жараёнига қандай таъсир қилиши мумкин?
6. Тарафлардан бирининг фақат ўз манфаатини устувор қўйиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
7. Маиший низоларда медиаторнинг асосий вазифаларидан бири нимадан иборат?

Амалий топшириқлар:

1. Эр-хотин ажрашиш арафасида. Она: “Бола фақат мен билан яшайди”, ота эса: “Йўқ, бола мен билан яшайди”, деган позицияни билдирмоқда.

Топшириқ: Ҳар бир тарафнинг ҳақиқий манфаатини аниқлаш учун иккитадан очиқ савол тузинг.

2. Эр ва хотин никоҳни бекор қилиш масаласини муҳокама қилмоқда. Бироқ эр хотини иштирокида ўз фикр ва ҳис-туйғуларини очиқ ифодалашдан тийилмоқда. Медиатор эр билан алоҳида учрашув ўтказиши зарур деб ҳисоблайди.

Топшириқ: Медиаторнинг эр билан алоҳида учрашувида унинг позицияси, манфаатлари ва фикрларини эркин ифодалашига кўмаклашадиган учта очиқ савол тузинг.

3. Қўшни: “Қўшним санитария талабларига умуман риоя қилмайди, доимо қўйларини ҳовлида боқади!”.

Топшириқ: Ушбу фикрни парафраз усулида, нейтрал нутқда ва очиқ савол шаклида қайта ифодаланг.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сон “Медиация тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-1089-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низом”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги ПҚ-4754-сон “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони /<https://lex.uz/ru/docs/5899498>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг

фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-401-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2026 йил 31 январдаги 4-мҳ-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги медиаторлар Олий малака комиссияси тўғрисидаги низонми тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

Юридик ва бошқа адабиётлар:

Маврин О.В. Технологии урегулирования конфликтов (медиация как эффективный метод разрешения конфликтов). – Казань. 2014. – 96 с.

Психология конфликта. Компендиум кейсов: учеб. пособие / под ред. Т. И. Короткиной. — СПб: СПбГУП, 2016. — 116 с.

«Разрешение семейных конфликтов. Руководство по международной семейной медиации» – М.: Издательство ООО «Межрегиональный центр управленческого и политического консультирования», 2015. – 104 с.

Сайдивалиева Х., Марипова С., Алимов С., Исамутдинов Р. Маҳаллада оилавий медиацияни жорий этиш бўйича методик тавсиялар.[Матн]/ Сайдивалиева Х., Марипова С., Алимов С., Исамутдинов Р. – Тошкент: “Маҳалла ва оила” нашриёти, 2024. – 60 б.

Веб-сайт манбалари:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти:
www.mijust.uz

Медиация - разрешение конфликтов, урегулирование споров: подход, ориентированный на решение проблем//Информационный канал Subscribe. Ru, URL:<https://subscribe.ru/archive/law.mediacia/201007/22121415.html>.

Медиация - разрешение конфликтов, урегулирование споров: фасилитативная медиация // Информационный канал Subscribe.Ru, URL: <https://subscribe.ru/archive/law.mediacia/201008/26000546.html>.

Медиация - разрешение конфликтов, урегулирование споров:
экосистемная медиация // Информационный канал Subscribe.Ru,
URL: <https://subscribe.ru/archive/law.mediacia/201008/05132508.html>.

Отахонов Ф. Медиация: тушунчаси, мақсади ва принциплари
// <https://chamber.uz/uzk/news/6753>

Хабибуллаев Д.Ю., Джалилов Ж.Т. Медиациянинг асосий
турлари ва моделлари/[https://cyberleninka.ru/article/n/mediatsiyaning-
asosiy-turlari-va-modellari/viewer](https://cyberleninka.ru/article/n/mediatsiyaning-asosiy-turlari-va-modellari/viewer)

ИЛОВАЛАР

Илова 1

МЕДИАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ

Тошкент шаҳри _____
(томони/шахсатаси/смитози)

йил “ ”

Бир томондан – _____ (бундан буён — 1-
тараф), иккинчи тарафдан — _____ (бундан
буён — 2-тараф), биргаликда — **Тарафлар** деб номланиб, қўйлагилар
тўғрисида келишиб олдиқ:

1. Келишув предмети

1.1. Тарафлар ўртасида юзага келган
_____ масаласига оид низони Медиация
тўғрисидаги Қонун асосида медиация орқали ҳал этишга розилик
билдирамиз.

2. Медиация тартиби

2.1. Медиацияни амалга ошириш учун медиатор сифатида фуқаролар
йиғини раиси _____ жалб этилади.
(Ф.И.Ш.)

2.2. Медиация ўтказиладиган жой: _____

2.3. Медиация тиллари: _____

3. Медиация муддати

3.1. Медиация тартиби-таомили ушбу Келишув имзоланган кундан
бошлаб кун ичида якунланади (Қонунга мувофиқ 30 кундан ошмаслиги
дозим).

4. Махфийлик

4.1. Тарафлар медиация жараёнида маълум бўлган барча
маълумотларни учинчи шахсларга ошқор қилмасликка мажбур.

5. Ихтиёрийлик

5.1. Тарафлар медиацияда ихтиёрий равишда иштирок этадилар ва
исталган босқичда медиациядан воз кечиш ҳуқуқига эга.

1-тараф:	2-тараф:
Ф.И.Ш.:	Ф.И.Ш.:
Имзо:	Имзо:
Сана:	Сана:

Медиатор (Фуқаролар йиғини раиси): _____
(Ф.И.Ш.)

**Медияция тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги
К Е Л И Ш У В**

_____ туман (шаҳар) 2025 йил “___” _____
_____ фуқаро йиғини

_____ (Тўлиқ ф.и.ш. ва паспорт маълумотлари, бундан кейин “**1-Тараф**” деб юритилади), бир томондан ва _____ (Тўлиқ ф.и.ш. ва паспорт маълумотлари, бундан кейин “**2-Тараф**” деб юритилади), биргаликда **Тарафлар** деб юритилувчилар, медиатор-фуқаролар йиғини раиси _____ иштирокида, қуйидагилар ҳақидаги мазкур битимни туздилар:

1. КЕЛИШУВНИНГ ПРЕДМЕТИ

1. Тарафлар _____

_____ низо
юзасидан медияция тартиб-таомилини амалга ошириш ҳақида келишдилар.

2. Мазкур битим тузилган вақтдан бошлаб кучга киради. Медияция тартиб-таомилини амалга ошириш муддати мазкур битим имзоланган вақтдан бошлаб _____ кунни ташкил қилади.

3. Медияция тартиб-таомилини амалга ошириш учун Тарафлар ўзаро келишувига кўра медиатор-фуқаролар йиғини раиси _____ медиатор

_____ (Тўлиқ ф.и.ш. ва паспорт маълумотлари)
сифатида танлайдилар.

**2. МЕДИАЦИЯ ТАРТИБ-ТАОМИЛИНИ АМАЛГА
ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОНДАЛАРИ**

2.1. Агар медиатор ёки Тарафларнинг келишуви билан бошқача қарор қабул қилинмаса, медияция қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

2.2. Тарафларнинг низо юзасидан учрашуви ва музокара қилиши _____ манзилдаги фуқаролар йиғини биносида ўтказилади.

2.3. Тарафларнинг низоли ҳал этиш хусусида билдирилган фикр ёки таклифлари муҳокама қилинади ва низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришиш шартлари келишдилади.

2.4. Тарафлар медияция тартиб-таомилини амалга оширишда маълум бўлиб қолган барча ҳолатларни, ҳужжатларни, музокараларни сир сақлайдилар.

2.5. Медияция тартиб-таомили ўзбек тилида кирилл алифбосида амалга оширилади.

2.6. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда Тарафлар вакиллари ва медиатор-фуқаролар йиғини раисидан бошқа шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади.

2.7. Мазкур келишув бўйича медиаторнинг фаолияти пўллик/текин амалга оширилади.

2.8. Медиация Қонунда белгиланган ҳолатлар муносабати билан тўғатилади.

2.9. Мазкур келишув 3 нусхада ўзбек тилида кирилл алифбосида тузилди: бир нусхаси медиаторга, қолган нусхалари бир донадан тарафларда сақланади.

1-Тараф _____ Ф.И.Ш.
(имзо)

2-Тараф _____ Ф.И.Ш.
(имзо)

Медиатор-фуқаролар йиғини раиси: _____ Ф.И.Ш.
(имзо)

БАЁННОМА

Медиацияни низо хусусида ўзаро мақбул бўлган қарорга эришиш имконияти
йўқлиги сабабли тугатиш тўғрисида

Тузилган жой: _____
 Сана: _____ йил « ____ » _____
 Вақт: _____ соат

Баённома тузувчи: Фуқаролар йиғини раиси — профессионал медиатор
 Ф.И.Ш.: _____

Медиация иштироки:

1-тараф: _____

2-тараф: _____

Низо предмети: _____

Медиация бошланиш санаси: _____

Медиация тугатилиш санаси: _____

Ўтказилган сессиялар сони: _____ марта

Келишувга эришилмаслик сабаблари:

- ☐ Тарафлар манфаатлари мутлақо қарама-қарши эди
- ☐ Тараф(лар) муроасага бориш учун тайёр эмаслигини билдирди
- ☐ Медиация муддати тугади (30 кун)
- ☐ Бошқа сабаб: _____

Медиация жараёнида эришилган қисман келишувлар (агар mavжуд бўлса): _____

Медиаторнинг хулосаси:

Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра томонлар ўзаро мақбул қарорга эриша олмадилар. Медиация тартиби-таомили «Медиация тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ тўғри ташкил этилди. Тарафлар ушбу баённомадан хабардор қилинди.

Тарафларга маълумот:

Низони ҳал этиш учун тарафлар судга ёки бошқа ваколатли органларга мурожаат этишлари мумкин. Медиация жараёнида маълум бўлган маълумотлар махфий ҳисобланиб, судда далил сифатида ишлатилмайди.

Имзолар:

Медиатор:

1-тараф:

2-тараф:

_____ (имзо)

_____ (имзо)

_____ (имзо)

МЕДИАТИВ КЕЛИШУВ

(Оилавий низоларда)

_____ туман (шаҳар) 2025 йил “__” _____
 _____ фуқаро йиғини

Бундан буён матнда _____ (Тўлиқ ф.и.ш. ва паспорт маълумотлари, бундан кейин **“1-Тараф”** деб юритилади), бир томондан ва _____ (Тўлиқ ф.и.ш. ва паспорт маълумотлари, бундан кейин **“2-Тараф”** деб юритилади), биргаликда **Тарафлар** деб юритилувчилар, медиатор-фуқаролар йиғини раиси _____ иштирокида, Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунига (2018 йил 3 июль, 482-сон), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда Оила кодексига мувофиқ, алоҳида-алоҳида яшовчи ота-она ҳисобланувчи Тарафларнинг оилавий низо масалалари юзасидан **ихтиёрлик асосида** қуйидаги мазмун ва шартларда Медиатив келишувни туздилар:

КЕЛИШУВ ПРЕДМЕТИ

1. Ҳар икки Тараф медиатор сифатида фуқаролар йиғини раиси _____ нинг иштироки этишига ўзаро розилар ва мазкур банд уларнинг ёзма розилигини аниқлатади. Тарафлар медиатор иштирокида оилавий низо масалалари бўйича келишувга эришдилар.

КЕЛИШУВ ШАРТЛАРИ ВА БАЖАРИШ ТАРТИБИ

2. Тарафлар ўртасида юзага келган _____ масаласига оид низо мавжуд эди. Тарафлар ушбу медиатив келишув шартлари доирасида барча низо масалаларини ўзаро келишув асосида ҳал этганликларини тасдиқладилар.

ФАРЗАНДЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

3. Тарафларнинг биргаликдаги турмушидан туғилган фарзанд(лар):

_____ (тўлиқ Ф.И.Ш. ва туғилган йил)

билан боғлиқ барча масалалар қуйидаги тартибда ҳал этилди:

4. Тарафлар фарзанд(лар)нинг бундан буён то улар вояга эггунига қадар _____ нинг (1-Тараф ёки 2-Тараф) тарбиясида бўлишига ва у билан бирга яшашига келишдилар. Ушбу қарор қабул қилинишида фарзанд(лар)нинг ёши, истаклари, тарбиявий ва моддий шароитлар ҳамда ҳар томонлама ривожланиши учун мавжуд имкониятлар ҳисобга олинди.

5. Тарбиячи ота-она (_____) фарзанд(лар)нинг оилادا эркин, жабр-зулмсиз яшашини таъминлайди; соғлиғи, жисмоний, рухий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилади; таълим ва тарбия учун зарур шарт-шароитлар яратди; фарзандларни танлаган ўқув муассасасида ўқитади.

6. Тарафлар ота-оналик ҳуқуқини суниётсизмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан бодаларнинг манфаатларига зид равишда фойдаланмаслиги, ўқишига, жамоат

топшириқларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги, спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга ўргатмаслиги, жиноят қилишда фарзандлардан фойдаланмаслиги керак.

ТАРАФЛАРНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Тарафлар келгусида янги келишмовчилик юзага келган тақдирда аввало ўзаро мулоқот орқали ҳал этишга ҳаракат қиладилар; бу имконсиз бўлса фуқаролар йиғини раисига мурожаат этадилар, зарур бўлса медиация жараёнига қайта мурожаат этадилар. Икки тараф ҳам келишувни яхши ният билан бажаришга мажбур.

8. Тараф бир-бирининг яшаш жойи, иш жойи, янги oilавий ҳолат (қайта турмуш қуриш) тўғрисида _____ кун олдин ўзаро хабардор қиладилар, чунки бу маълумотлар фарзандлар билан учрашиш тартиби ва алиментларни тўлашга таъсир қилади.

ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9. Мазкур медиатив келишув Тарафлар учун мажбурий кучга эга ва унда кўрсатилган муддатлар ва шартларда ихтиёрий равишда бажарилади. Медиатив келишув шартлари бажарилмаган тақдирда Тарафлар судга мурожаат қилишга ҳақли (Ўзбекистон Республикаси "Медиация тўғрисида"ги Қонунининг 29¹-боби).

10. Мазкур медиатив келишув тузилган вақтдан бошлаб кучга киради ва Тарафлар мазкур медиатив келишув бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар амал қилади.

11. Медиатор мазкур медиатив келишув бўйича фаолиятини текин амалга оширади.

12. Ушбу медиатив келишув уч (3) нусхада тузилган. Келишув Тарафларга ва медиаторга 1 нусхадан тақдим этилади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

1-Тараф	2-Тараф
Паспорт (ID) серия ва рақами: ИИВ томонидан _____ йилда берилган. Тўғилган сана: _____ Манзил: _____ Телефон: _____ Имзо: _____	Паспорт (ID) серия ва рақами: ИИВ томонидан _____ йилда берилган. Тўғилган сана: _____ Манзил: _____ Телефон: _____ Имзо: _____
_____ _____ _____ _____ _____	Медиатор (фуқаро йиғини раиси) Паспорт (ID) серия ва рақами: ИИВ томонидан _____ йилда берилган. Тўғилган сана: _____ Манзил: _____ Телефон: _____ Имзо: _____

Медиаторнинг кириш сўзи намунаси

«Ассалому алайкум. Менинг исмим _____.

Сизларнинг келишувингизга асосан, ўртангизда юзага келган низони ўзаро мақбул ечим асосида ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида медиатор сифатида иштирок этаман.

Медиатор сифатида мени танлаганингиз учун сизларга миннатдорчилик билдираман.

Аввало, медиация жараёнида сизларга қандай ном билан муурожаат қилишимни аниқлаб олсам.

Шунингдек, медиация жараёнида иштирок этиш, қарор қабул қилиш ва медиатив келишувни имзолаш ваколатингизни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишингизни сўрайман.

Ушбу низони кўриб чиқишда бошқа шахсинг, жумладан, вакил, адвокат ёки мутахассиснинг иштироки зарур, деб ҳисоблайсизми?

Медиация жараёни тахминан _____ вақт давом этиши мумкин. Бу вақт сизлар учун мақбулми?

Илгари медиация жараёнида иштирок этганмисиз?

Рухсатингиз билан медиация тартиб-таомили ҳақида қисқача маълумот берсам.

Медиация – келиб чиққан низони тарафларнинг ўзаро мақбул қарорга эришиши мақсадида уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал этиш усулидир.

Медиация махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, шунингдек, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилади.

Сизлар медиация жараёнининг исталган босқичида унда иштирок этишни рад этиш, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда медиацияда шахсан ёки вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгасиз.

Шу билан бирга, медиация жараёнида маълум бўлган маълумотларни сир сақлаш ҳамда эришилган медиатив келишувни унда белгиланган тартиб ва муддатларда бажариш мажбуриятига эгасиз.

Медиация жараёни самарали кечиши учун бир-бирингизга ҳурмат билан муносабатда бўлишингизни, бир-бирингизнинг сўзини бўлмаслигингизни ва ўз фикрингизни хотиржам, очик ҳамда ҳурмат доирасида баён этишингизни сўрайман.

Мақсадимиз кимнинг ҳақ ёки ноҳақлигини аниқлаш эмас, балки ҳар икки тарафнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда ўзаро мақбул ечимни биргаликда топишдан иборат.

Медиацияни бошлашга тайёرمىсизлар?

Унда, медиация жараёнини бошлаймиз...»

This image shows a full page of blank white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, providing a template for writing or drawing. There are no margins, text, or other markings present.

ҚАЙДЛАР УЧУН

[illegible]

Шакуров Рафик Равильевич
юримдик фанлар номзоди, доцент

**ФУҚАРОЛАР ЙИВИНИ РАИСЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
МЕДИАЦИЯНИНГ ЎРНИ**

Услубий кўлланма

Муҳаррир: М.Талипова
Мусахҳиҳ: Н.Ниязова
Компютерда тайёрловчи: Б.Хайдаров

Босишга рухсат этилди: 08.09.2026 йил
Бичими 60x84 1/16. «Times New Roman»
гарнитурада рақамли босма усулда чоп этилди.
Шартли босма табоғи 3.25, Нашр.х.т. 1.57
Адади 50. Буюртма № 08-09/143

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 6-уй.